

## Сийрат дарслари (65-дарс). Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим



19:08 / 27.12.2019 6014

308. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир одам келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди.

У зот ундан бунинг нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, у ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. **«Биз билан намоз ўқидингми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг**

**гуноҳингни мағфират қилди ёки ҳаддингни»,** дедилар.

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

309. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим:  
**«Роббингни тоғ чўққисидаги қўйчивон ажаблантиради. Азон айтиб  
намоз ўқийди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Бу бандамга назар  
солинглар. Азон айтади ва намоз ўқийди. Мендан қўрқади.  
Батаҳқиқ, бандамни мағфират қилдим ва жаннатга киритдим»,**  
дейди».

*Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**